«ТАСДИҚЛАЙМАН»
"Учкўприк тумани Мактабгача таълим
бўлими"
Г.И.Хамидова
"02" 11 2022й

Фарғона вилоят Учкўприк тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларига ташкилотларига қиш-баҳор ойлари захирасига Гуруч сотиб олиш учун энг яхши таклифни танлаб олиш.

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Фарғона вилоят Учкўприк тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларига қиш-баҳор ойлари захирасига Гуруч сотиб олиш учун энг яхши таклифни танлаб олиш. |
| 2 | Буюртмачи | Учкўприк тумани Мактабгача таълим бўлими<br>Гуруч захираси<br>Улчови : кг<br>Микдори:14 000 кг<br>Умумий суммаси 133 000 000 сўм<br>Гуруч: Қопланган, қуруқ ва сифатли<br>Шартлари: Қопланган, қуруқ ва сифатли ҳамда 6 ой давомида сақлаш учун яроқли, яроқлилик тўғрисида ветеринария ёки СЕС хулосаси, таъминотчи томонидан етказиб берилган махсулот учун кафолат беради. Махсулотни МТТ лар кесимида тарқатиб бериш шарти билан. |
| 3 | Буюртма учун асос | Кунлик мактабгача таълим ташкилотларига қатнаётган болалар ва ходимлар озиқ-овқати учун |
| 4 | Объектнпнг жойлашган манзили | Учкўприк тумани Жалоер қ-ғи |
| 5 | Катнашувчи учун талаблар | Фарғона вилоят Учкўприк тумани Мактабгача таълим бўлимига Гуруч захирасига юқорида кўрсатилган шартлар бўйича тўлиқ жавоб беради. |
| 6 | Бажарилган ишлар хисоб-китоби | Таъминотчи томонидан етказиб берилган картшка махсулоти, тарафлар томонидан тасдиқланган хисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг ташкилот нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан қабул қилиб олинган Гуруч учун ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб хисобланади. Шартномага асосан **133 000 000** (Бир юз ўттиз уч миллион) сўмлик захира учун Гуруч сотиб олиш режалаштирилган. |
| 7 | Иш тури | Буюртма асосида Фарғона вилоят Учкўприк тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги Мактабгача таълим ташкилотларига захира учун Гуруч етказиб бериш. |
| 8 | Хизматларни бажариш муддати | 2022 йил "20" 11 гача |
| 10 | Молияташтириш манбаи | Фарғона вилоят Учкўприк тумани Мактабгача таълим бўлими |

«ТАСДИКЛАЙМАН»
"Учкўприк тумани Мактабгача
таълим бўлими"

________________ Г.И.Хамидова

" 08 " ________________ 2022й

БУЮРТМАЧИ:

« Учкўприк тумани Мактабгача таълим бўлими »

Фарғона вилоят Учкўприк тумани **Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотлари**га қиш-баҳор ойлари захирасига Гуруч сотиб олиш учун энг яхши таклифни танлаб олиш.

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Учкўприк тумани-2022**

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

# I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг "Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги" тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Фарғона вилояти Учкўприк тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларига қиш-баҳор ойлари захирасига Гуруч етказиб берувчилар томонидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг умуми қиймати – **133 000 000** сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1**. "Фарғона вилоят Мактабгача таълим бўлими "** (бундан кейин- "Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

""Буюртмачи" Фарғона вилояти Учкўприк тумани Мактабгача таълим бўлими Учкўприк тумани Жалоер қишлоғи.

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов ЎЗРТХАБ **etender.uzex.uz** платформасида "Буюртмачи" томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қуйилади:

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.